

элементларидан бошланғич синф она тили дарсларида фойдаланиш керак. Бу 7-11 ёшли болаларда ижод ва бунёдкорликка алоҳида қизиқиш билан она тилининг ички имкониятлари асосида мустақил фикрлаш, излаш, топиш ва топганларидан шароитга мос ва самарали равишда мустақил фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш зарурати билан узвий боғлиқдир.

Бошланғич синф она тили таълими жараёнига когнитив-прагматик усул элементларини киритиш – бу ўқувчиларнинг ташаббускорлиги, мустақиллиги ва фикрлашига асосланган онгни ривожлантиришга қаратилган, ижодий фикрлайдиган ва ўз фикрини раён баён қиладиган шахсни шакллантирадиган она тили таълимини жорий қилиш демакдир.

#### **Адабиётлар**

1. Бобомуродова А.Я. Она тили таълими жараёнида ўйин-топшириқлардан фойдаланиш. Пед. фанл. номз. илм. дараж. олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: 1996. -145 б.
2. Зиядова Т.У. Она тили таълими жараёнида ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш. Пед. фанл. ном. илм. дараж. олиш учун ёзилган дисс. –Т.: 1995. -161 б.
3. Саидов М. Ўзбек мактабларининг 5-синфида она тили таълими жараёнида тафаккурни ривожлантирувчи ўқув топшириқлари ва улардан фойдаланиш методикаси. Пед. фанл. ном. илм. дараж. олиш учун ёзилган дисс. –Т.: 2000. -147 б.
4. Ғаниев Т.Т. Она тилидан машқ бажариш жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш. Пед. фанл. номз. илм. дараж. олиш учун ёзилган дисс. –Т.: 1991. -194 б.

### **Иқболжон ТЎРАҚУЛОВ**

Фарғона вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази мактабгача, бошланғич ва махсус таълим методикалари кафедраси ўқитувчиси

## **ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

*Мақолада ўқитувчининг фаолиятини лойиҳалаштириш ҳамда лойиҳалаш фаолиятини педагог касбий компетенциясининг педагогик фаолиятни амалга оширишида назарий ва амалий тайёргарлиги бирлигини ифодаладиган омил хусусида фикр юритилган.*

**Калит сўзлар:** таълим, фаолият, ўқувчи, ўқитувчи, лойиҳалаш фаолияти.

*В статье описывается блок теоретической и практической подготовки профессиональной компетентности педагога к осуществлению педагогической деятельности, а также блок проектирования и проектирования деятельности педагога.*

**Ключевые слова:** образование, деятельность, читатель, учитель, проектная деятельность.

*The article describes the unit of theoretical and practical training the professional competence of teachers to implement pedagogical activities, as well as the block design and design education.*

**Key words:** education, activity, reader, teacher, project activity.

Таълим жараёнидаги бош муносабат ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатдир. Она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаш мақсадида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи нуқтаи назаридан қараганда ўқитувчи ва дарслик, ўқитувчи ва ўқув материали, ўқитувчи ва кўргазмалар курул боғланишлари, тайёр лойиҳадан фойдаланиб дарс ўтаётган ўқитувчи нуқтаи назаридан қараганда ўқитувчи ва лойиҳа, ўқитувчи ва ўқувчи, ўқувчи ва ўқувчи боғланишлари, ўқувчи ва ўқув материали боғланишлари амал қилади.

Дастлаб лойиҳалашда иштирок этадиган ўқитувчининг фаолияти ҳақида тўхталамиз. Табиийки, таълим самарадорлиги тузилган лойиҳанинг сифатига боғлиқ. Лойиҳалаш фаолияти тузилмасида фаолиятнинг икки даражаси кузатилади: лойиҳалашнинг лойиҳа кўринишидаги янги билимларни яратишни кўзда тутадиган ижодий характери; илғор педагоглар тажрибасини ўрганиш асосида яратилган лойиҳада педагог шахсини акс эттирадиган лойиҳалашнинг индивидуал характери. Лойиҳалаш фаолиятини педагогнинг касбий компетенциясининг педагогик фаолиятни амалга оширишга назарий ва амалий тайёргарлиги бирлигини ифодаладиган ва касбий сифатини

тавсифлайдиган қисми сифатида қараш зарур (В.А.Сластенин). Лойиҳалаш фаолиятига назарий тайёргарлик - лойиҳалаш кўникмалари ва компетенциялар мажмуини юқори даражада эгаллаганлик ҳисобланади. В.А.Сластенин, Н.В.Кузьминалар ўқитувчининг лойиҳалаш фаолиятига назарий тайёргарлигини белгилайдиган компетенциялар мажмуига педагогик фаолиятни ўз-ўзини такомиллаштиришни таъминловчи рефлексив; ўзининг методик даражасини ошириш қобилиятини ривожлантирувчи когнитив; ахборот олиш ҳамда уни қўллашга оид кўникма ва малакаларни шакллантирувчи маърифий; оғзаки ва ёзма мулоқот технологиясини ривожлантирадиган коммуникатив; ўзининг касбий компетентлиги моҳиятини англашга йўналтирадиган ижтимоий компетенцияни киритади [1; 2].

Таълимни лойиҳалаштиришда педагогик технологиядаги етакчи ҳисобланган таълим мақсади, мазмунини лойиҳалаш энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолади. Уларни қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин:

- ўқув предметларини ўрганишда, энг аввало, таянч тушунчаларни ўрганиш даражасини аниқлаш ва уларни ўрганишни лойиҳалаш;
- таянч тушунчаларнинг таълим стандартлари, ўқув дастурларига мослиги, ўқувчининг келгуси фаолияти билан алоқадорлигини лойиҳалаш;
- ўқитиш услубларини лойиҳалаш;
- ўқувчининг тайёргарлик даражасини лойиҳалаш;
- ўқитиш мазмунининг қўйилган мақсад билан узвийлигини таъминлаш;
- таълим услубларини, уларнинг қайси бирини дарснинг қайси босқичида қўллаш зарурлигини олдиндан лойиҳалаш;
- турли типдаги дарсларда билим ва кўникмаларнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштириш даражасини лойиҳалаш;
- ўқитиш жараёнида назорат ва текширишнинг турли усулларида фойдаланишни лойиҳалаш;
- ҳар бир дарсда замонавий маълумотлардан унумли фойдланишни лойиҳалаш;
- ўқув материали матнларини тайёрлашда ўқув мақсадларига эришиш йўллари, воситалари, эришиладиган натижаларни олдиндан қайд этиш;
- ўқув предмети бўйича мақсад ва вазифалар базасини яратиш, баҳолаш орқали уни тўлдириб боришни лойиҳалаш ва ҳ.к.

Дидактикада моделлаштириш технологияси ўқув жараёнини моделлаштиришга инновацион ёндашувлар, шунингдек, педагогик тизим ва жараёнларни моделлаштиришни билиши ва шу жараёнга мослашишни ўрганиш бугунги куннинг замонавий ёшлари учун энг зарурий эҳтиёж бўлиб қолди. Узоқ йиллардан буён моделлаштириш илмий тадқиқотнинг энг долзарб методларидан бири бўлиб келмоқда. Бугунги кунда инсоният ўзининг илмий, таълимий, технологик, бадиий фаолиятида атрофидаги оламни моделлаштирамасдан яшашини тасаввур қила олмайди. Тасаввур (модел)ларни қатъий, аниқ шакллантириш жуда мураккаб, лекин ХХI асрга келиб, инсоният моделлаштириш ва ҳар хил объект ва жараёнлардан фойдаланишга оид бой тажриба тўплади. Моделлаштириш педагогик тадқиқотларда кишининг тажрибаси, унинг сезги органлари орқали олган таассуротлари ҳамда табиий шароитдаги кузатишларидан олинган эмпирик ҳамда назарий билимларни, яъни педагогик объектни ўрганиш жараёнида тажриба, маънавий боғланишларнинг тузилиши ва илмий абстрактларни бирлаштириш имкониятини беради. Кўп ҳолларда дарсни режалаштириш жараёнида ўқитувчилар педагогик моделлаштириш тушунчасига дуч келишади. Аммо олимларнинг фикрига кўра [2; 3] моделлаштиришга замонавий фанда етарлича эътибор берилмайди, бу эса таълим самарадорлигига салбий таъсир қилади.

Моделлаштириш – “билиш объектларини уларнинг моделларида тадқиқ қилиш услуги; аниқ мавжуд предметлар, воқеалар ва тузиладиган объектларнинг тавсифномаларини аниқлаш ёки яхшилаш, уларни яшаш усулларини қулайлаштириш, бошқариш кабилар учун яшаш ва ўрганиш”. Моделлаштириш ҳар бир фан объектини соддалаштирувчи методдир. Шу сабабли модел анъанавий назариялар тушунтириб бера олмаган муаммони ҳал қилади, объектнинг илгари кузатилмаган, аммо келажакда амалга ошиши мумкин бўлган томонини кашф этади.

Ўзбек тилида лингвистик бирликларни моделлаштириш бу белгилар таркибидаги элементларнинг барқарор муносабатларига асосланади. Шунинг учун ҳам бутунлик таркибидаги элементлар ўртасида муносабатларнинг барқарор ва беқарор турларга ажратилиши лингвистик моделлаштириш учун муҳим аҳамиятга эга. Моделлаштириш барча фанлар учун хос бўлган фанлараро метод ҳисобланади.

Моделлаштиришнинг дидактикадаги ролига мурожаат қилар эканмиз, ўқувчига янги материални схемалар, қурилмалар, белгили формулалар, бир сўз билан айтганда моделларсиз баён қилишнинг самараси кам бўлади. Дидактикада моделлаштириш ўқув материалининг таркибини қулайлаштириш,

ўқув жараёнини режалаштиришни яхшилаш, билиш фаолияти ва ўқув тарбиявий жараёнларни бошқариш, башоратлаш, ташхислаш, ўқитишни лойиҳалаштиришда қўлланилади.

Моделлаштириш методи кейинги пайтларда тилшуносликка фаол татбиқ қилина бошлади. Бунда олимлар мазкур методнинг бир қатор афзалликлари ва прагматик жиҳатларини назарда тутадилар. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- биринчидан, моделлаштириш тавсифий эмас, амалий метод ҳисобланади;
- иккинчидан, моделлаштириш методи ҳар қандай шароитда оптимал (“энг қулай”, “энг мақбул”) ҳисобланади;
- учинчидан, моделлаштириш методи иқтисод қилиш принципига таянади. Бунда узун таъриф ва тавсифларга эҳтиёж бўлмади;
- тўртинчидан, объектни тушунтириш ва изоҳлашни осонлаштиради ва соддалаштиради.

Ижодий таълимда ажратилган ўқув элементлари маълум тизимга солинади ва ҳар бир ўқув элементи мазмунини очиб берувчи ўқув материали матни тайёрланади. «Ҳар қандай ўқитиш тизимида марказий ўринни билимларнинг таянч тушунчалари эгаллайди. Агар улар услубий жиҳатдан муфассал ишлаб чиқилмаса, ўқитишда юқори самарага эришиб бўлмайди» [4]. Ўқув материали ўзаро мантқан боғланган қисмлардан иборат. Шу туфайли уни қисмларга — ўқув элементларига ажратиб тушунтириш самарали ҳисобланади. Баён қилиш услуби ўқув материални элементларга ажратиб ўргатишда энг қулай иш услуби саналади. Қолаверса, берилган ахборотнинг ҳажми қанча кичик бўлиб, қанча кўп текширилса, таълим жараёни шунча муваффақиятли бошқарилади.

#### **Адабиётлар**

1. Сластенин В.А. Педагогика. - М.: Издательский центр "Академия", 2002. - 576 с.
2. Кузьмина Н.В., Куприна Е.В. Использование базы знаний для развития приемов и способов работы с информацией //Ж. Информатика и образование, 2001, № 4, -Б. 44-46.
3. Овакимян Ю.О. Теория и практика моделирования обучения. Автореф. дис. ... д-ра пед. наук. -М., 1989. –32 с.

#### **Дилноза САИДОВА**

Фарғона вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази мактабгача, бошланғич ва махсус таълим методикалари кафедраси ўқитувчиси

## **ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВОСИТАСИ**

*Мақолада инновацион педагогик технологияларнинг ривожланиши ва уларнинг ўқув-тарбия жараёнига кириб келиши, шунингдек, ахборот технологияларининг тез алмашинуви ва такомиллашуви жараёнида ҳар бир педагог-ўқитувчи ўз касбий тайёргарлигини, педагогик маҳоратини ривожлантириб бориш хусусида фикр юритилган.*

**Калим сўзлар:** лойиҳа, таълим, бўлажак ўқитувчи, касб маҳорати.

*В статье рассматривается развитие инновационных педагогических технологий и их проникновение в образовательный процесс, а также развитие профессиональной подготовки, педагогического мастерства каждого педагога в процессе оперативного обмена и совершенствования информационных технологий.*

**Ключевые слова:** проект, образование, будущий учитель, профессиональные навыки.

*The article considers the development of innovative pedagogical technologies and their penetration into the educational process, as well as the development of professional training, pedagogical skills of each teacher in the process of rapid exchange and improvement of information technologies.*

**Key words:** project, education, future teacher, professional skills.

Дарҳақиқат, барча касбкорлар тизимида ўқитувчилик касби муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Зеро, ўқитувчи ёш қалблар камолотининг меъморидир. Бугун у ёшларни ғоявий – сиёсий жиҳатдан чиниктириб, табиат, жамият, тафаккур тараққиёти, қонуниятларини ўргатар экан, аввало, у